



MILLIY TIKLANISH

8 (225) 2013 йил 6 март, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилаётган "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" лойиҳаси асосида ёшлар юртимиз фахрига айланган фаоллар билан бевосита учрашиш, фикр алмашиш имконига муяссар бўлишмоқда. Бу эса ёшларда миллат ифтихорларига нисбатан ҳурмат, фахрланиш туйғусининг шаклланишига хизмат қилади.



ЖАҲОН иқтисодий ва дипломатия университетида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Келажак овози" ахборот хонаси ташкил этилди.



ПОРТРЕТ жанрининг ўзига яраша мураккабликлари бор. Унда юз чизгилари орқали инсоннинг ички дунёсига, қалбига кириш расомдан нафақат профессионал қобилият, эҳтирос, билимдонликни, энг аввало, юксак маънавийтни ҳам талаб қилади.



4 ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

6 ЖАРАЁН

8 НИГОҲ

● ХАБАРЛАР

Саёҳат самарали бўлди

Самарқандда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан фаол аёллар, истеъдодли қизлар ва кам таъминланган оила вакиллари билан вилоятдаги тарихий обидалар ва кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳати уюштирилди.

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад аёлларни юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништиришдан иборат. Чунки улар ўзлари яшаб турган ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлибгина қолмай, вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидаги ўзгаришлардан ҳам етарли даражада хабардор бўлишлари лозим. Шунинг учун саёҳатга чиққан хотин-қизлар таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойларда бўлиб, аҳоли учун яратилган турмуш шароитлари билан танишдилар. Тадбиркор аёллар фаолияти, истеъдодли қизларнинг ташаббус ва интилишлари билан қизиқиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Ўзбекистонда туризм салоҳияти

Жорий йилнинг 8-10 октябрь кунлари "Ўзэкспомаказ" кўргазмалар мажмуидада "Буюк ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилади.

БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва "Ўзбектурэм" миллий компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган ярмаркада маҳаллий ва хорижий сайёҳлик компаниялари иштирокида семинарлар, тақдиротлар, матбуот анжуманлари ўтказилиши режалаштирилган. Халқаро кўргазма иштирокчилари Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, бой маданий мероси, миллий таомлари, қадриятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишади.

Дилларда Ватан мадҳи

"Истиқлол" санъат саройида "Марди майдон!" жонли ижродаги кўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида "Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган концерт ўтказилди.

Концерт "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. "Марди майдон!" жонли ижро фестивалидан қўзланган асосий мақсад миллий оҳангларга ва фахр-ифтихор туйғуларига йўғрилган, Ватан, гўзаллик, нафосат, инсонийлик, бағрикенглик, бунёдкорнинг, севги, меҳр ва муҳаббат кабимавзуларда янги кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, ёш истеъдодларнинг ижодини халқимиз ва кенг жамоатчиликка таништиришдан иборатдир. Ижодий беллашувда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва хаваскор санъаткорлар иштирок этади. Унинг асосий шарти - кўшиқларни фақат жонли ижрода қуйлашдан иборат. Аянага кўра, концертда Ватан, истиқлол, тинчлик-осойишталик, баҳор, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи кўшиқлар ижро этилди.



Хунарманд қизлар

● САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Юрт равнақи, Ватан тараққиётига дахлдорлик

депутатлар фаолиятининг устувор йўналишига айланмоқда

Халқ манфаати — олий шараф. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш - бош мезон. Шу боис ҳам бугун халқ вакили бўлмиш депутатлардан ўзларига ишонч билдирган сайловчилар ишончини оқлаш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этишда фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади.

2-бет

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Ёшлар масалалари бўлими ташаббуси билан "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" мавзусидаги йирик лойиҳа доирасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ

Шахсий намуна

ёшларнинг маънавий юксалишига катта таъсир кўрсатади



4-бет

● ЖАРАЁН

Маҳалла институти

унинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашади

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалла институти фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфаси, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши айнан маҳаллада шаклланади. Шу нуқтаи назардан истиқлол йилларида миллий қадриятларимизга айланган асрий анъаналарни сақлаш, уларни ёш авлод онига синдириш, тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида жамиятнинг асосий пойдеворларидан бири бўлган маҳалла институтини янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партиямиз узоқ йиллар давомида шаклланган демократик қадрият ва кўникмаларни жорий қилиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш тарафдори сифатида маҳаллани фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири деб ҳисоблайди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва айнан маҳалла институти ҳар томонлама ривожланди. Унинг ҳуқуқий

асослари яратилди ва у бугунги кун нуқтаи-назаридан такомиллаштириб борилмоқда. Яъни Президентимиз таъкидлаганидек, "Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда".

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти институтлари орасида айнан мустақиллик йилларида ривожланган маҳалла институтининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

2-бет

● АЁЛЛАР ҚАНОТИ

Қадим Шарқда аёлни табиатнинг ноёб мўъжизаси сифатида эътироф этишган. Аёл, энг аввало, она эканлиги билан мунис ва мукаррамдир. Ҳар йили барчамиз орзиқиб қутган баҳорнинг илк кунларида юртимиз хотин-қизлари, онажонларимизу она-сингилларимизга янада ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан улар шаънига илиқ фикрлар билдирилади.

Аёллари қадр топган юрт

мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор сиёсий партиялар фаолиятида ҳам бўй кўрсатмоқда

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ

Шахсий намуна

ёшларнинг маънавий юксалишига катта таъсир кўрсатади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ёшларни ватан-парварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур уйғотиш, юксак маънавиятли, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама қўмаклашиш борасида қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида” лойиҳаси фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришган, ўз ютуқлари билан ибрат бўлаётган фидойи шахслар иштирокида жонли мулоқотлар ташкил этиш ва шу орқали улар онгида Ватанга садоқат, муҳаббат туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилиб келмоқда. Навбатдаги учрашув меҳмони Ўзбекистон халқ артисти, кино ва театр актёри Эркин Комилов бўлди.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида маданият, санъат, театрларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган, - деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мавжуда Ражабова. — Шу маънода партиямиз санъат аҳли билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келади. Зеро, соҳа вакиллари яратган миллий руҳдаги асарлар, турли образлар, замон қаҳрамонларининг талқини ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккурига, тарбияси ҳамда маънавий оламини бойитишга хизмат қилади. Бу ЎзМТДПнинг халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур

ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш каби дастурий мақсадини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ўзбек санъатига улкан ҳисса қўшган дарғалар, устозода санъаткорларнинг босиб ўтган шонли йўллари, маънавий мероси, театр сахнаси ва кинода яратган бетакрор образларини кенг тарғиб қилиш ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, масъулиятли ва комил инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Театр ва кино актёри Эркин Комиловнинг яратган образлари ўзига хослиги, халқчиллиги, табиийлиги, қолаверса, юракдан ўйналганлиги билан ҳар бир томошабин қалбидан муҳим жой олган. Айниқса, актёрнинг ёзувчи Саид Аҳмад қаламига мансуб “Келинлар қўзғолони” спектаклидаги мухбир образи йиллар ўтса-да ёшу-қарини тўлқинлантириб келади. Устоз санъаткорнинг қай бир ролига эътибор қаратманг ўзгачаликни ҳис этасиз. Айниқса, режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг “Сув ёқалаб” фильмида Эркин Комилов талқин этган Болта Мардон образи актёрнинг серкирра ижод соҳиби эканлигини яна бир бор исботлади.

Давра суҳбатида Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” аъзолари ҳамда иштирокчиларнинг театр ва кино санъати, актёр яратган роллар, эришган натижалари борасида берган саволларига атрофлича жавоб қайтарди.



Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Бугунги давр ёшларига биз катта авлод вакилларининг ҳавасимиз келади. Чунки мамлакатимизда уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имконият ва шароитлар яратилган. Ёшларнинг ўз истеъдод ҳамда маҳоратларини намоён қилиши, жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш мақсадида турли лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириб келяпти. Уйлайманки, бу каби тадбирлар ёш авлоднинг маънавий юксалиши, улар қалби ва онгида она юртга садоқат, ватанпарварлик, инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Гулноза ГУЛЯМОВА, Чилонзор туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси:

— ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон ифтихорлари— ёшлар даврасида” лойиҳаси асосида ёшлар турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ва юртимиз фаҳрига айланган фаоллар билан бевосита учрашиш, фикр алмашиш имконига муяссар бўлишмоқда. Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ёшларда миллат ифтихорларига нисбатан ҳурмат, фахрланиш туйғусининг шаклланишига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида партия “Ёшлар қаноти” сафида қадрият ва анъаналар, санъатимиз, маданиятимизни эъзозлайдиган ёшларнинг ортшига туртки бўлади.

Насиба АБДУРАҲМОНОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг қатор лойиҳа ва тадбирларида, танловларида мунтазам иштирок этаман. Чунки, бундай тадбирлар, учрашувлар давомида биз ёшлар учун зарур бўлган фикр-мулоҳаза ва маслаҳатлар берилади. Энг асосийси, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, партия тизимида кечаётган жараёнлар билан яқиндан танишамиз. Эркин Комилов билан бўлган бугунги учрашувда ҳам санъат соҳаси, кино ва театрдаги жараёнлар ҳақида қизқарли маълумотларга эга бўлиш билан бирга маънавий дунёқарашимизнинг юксалишига хизмат қиладиган маърузаларни тингладик. Фидойи санъаткоримизнинг биз ёшларга ўрнатқ бўла оладиган ҳаётий тажрибалари ва қарашлари билан ўртоқлашдик.

Муҳтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Аёллари қадр топган юрт

мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор сиёсий партиялар фаолиятида ҳам бўй кўрсатмоқда

жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қўмаклашиш, жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш борасида қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бу борада ўтган йили “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни”, “Мамлакат таракқиётида хотин-қизларнинг ўрни”, “Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили” каби мавзуларда 2700 га яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Айни пайтда ЎзМТДП аъзоларининг қарийб 42 фоизини ташкил этувчи хотин-қизлар орасида заҳира қадрларни шакллантириш партияимизнинг асосий вазифаларидан саналади. Бу борада жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада оширишга қаратилган ЎзМТДП лойиҳаси — “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” номили қўриқ-танлов устувор аҳамият касб этмоқда. Боиси қўриқ-танлов иштирокчилари ўз иқтидор ва заковатларини сынаб кўриш имконига эга бўлишмоқда. Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП “Аёллар қаноти” сайловолди Ҳаракат дастурида таъкидланганидек, хотин-қизларнинг жамиятнинг модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида фаолият юритиб келмоқда.

— **Маълумки, партия сайловолди Платформасида “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” ижтимоий-маънавий лойиҳасини яратиш ва амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур лойиҳанинг яратилиши ва амалга ошириш жараёнлари қандай давом этмоқда?**

— Ҳар қандай сиёсий партия ўзининг сайловолди Ҳаракат дастурини эълон қилар экан, дастурий мақсадларини ривожланиши ҳавасимиз келади. Чунки мамлакатимизда уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имконият ва шароитлар яратилган. Ёшларнинг ўз истеъдод ҳамда маҳоратларини намоён қилиши, жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш мақсадида турли лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириб келяпти. Уйлайманки, бу каби тадбирлар ёш авлоднинг маънавий юксалиши, улар қалби ва онгида она юртга садоқат, ватанпарварлик, инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

● ТАРҒИБОТ

Ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш, ёшларнинг Конституция ҳамда қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий вазифаларидан саналади. Ушбу мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ташкилотлари томонидан қатор тадбир, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

ЎзМТДП дастурий вазифаларидандир

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти”, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида “Ёшлар — бахтли келажак иштирокчиси” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Тадбир партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёшлар ўртасида мустақиллик ғояларини кенг тарғиб қилиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий жараёнлардаги фаолигини ошириш, истеъдодларини рағбатлантиришга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Ийгилишда сўзга чиққан ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ҳ.Маҳкамова ёшлар маънавияти ва уни юксалтиришда ЎзМТДПнинг ўрни мавзусида маъруза қилди.

— Маълумки, жамиятимиз тараққиёти, Ватанимиз равнақи ёш авлоднинг илмий салоҳияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия топишига боғлиқ. Шу боис бугун мамлакатимиз ёшларига ўзистак ва хоҳишларига кўра ўқиш, билим олиш, касб-хунар эгаллашлари учун барча

шароитлар яратиб берилган. Албатта, бу келажакимиз таянчи бўлган ёшларимизга юксак ишонч ва масъулиятдир. Ўрни келганда айтиш жоизки, ЎзМТДП ҳам дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга қўмаклашишда фаол иштирок этмоқда. Бу борада партиянинг “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларнинг намоён қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидланганидек, билимга чанқоқ, иқтидорли, мустақил юрт фарзандлари ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда замонавий даргоҳларда таълим олмақдалар. Бундай масканларда камол топаётган иқтидорли ёшлар келажакда, албатта, баркамол авлод бўлиб вояга етадилар. Юртимиз довруғини оламга ёйиб, ажодларимизга муносиб фарзанд бўладилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар маънавиятини юксалтиришда, уларнинг фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда ЎзМТДП томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида эътироф этишди.

М.РАМАЗОНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

● АЁЛЛАР ҚАНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўламнинг илк кунларида ҳукмингизга ҳавола этмоқчи бўлган мулоқотимиз мамлакатимизда аёл зотига, хотин-қизларга бўлган эътибор хусусида.

Суҳбатдошимиз Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Шоира УМАРОВА.

— Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларга кенг шaroитлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, - дейди суҳбатдошимиз. — Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Биргина мустақилликнинг илк йилларида қабул қилинган Асосий қонунимизда оила, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаа қилиниши масаласига алоҳида боб ажратилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Баркамол авлод, Мустаҳкам оила ва Обод турмуш йиллари муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари, Президент Фармон ва Қарорлари тағ-замирида ҳам мунис аёлларимиз манфаатини ҳимоя қилиш, уларга кенг шароит яратиб бериш мақсади мужассам. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлар, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонуни мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан сайловлар ва сиёсий партия фаолиятига оид қонунларимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларида номзод кўрсатишда ҳар қайси партия томонидан кўрсатилаётган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлар вакиллари бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари, Сенат аъзоларининг 15 нафари хотин-қизлардан иборат эканлигини инобатга олсак, қонунчилигимизда яратиб берилган имкониятлар натижасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаоллиги янада ортиб бораётганига амин бўламиз.

Мазкур кенг қўламли ислохотлар замирида аёл, оила, баркамол авлод тарбияси, она ва бола саломатлигига эътибор устувор вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

— **Ислохотлар самараси ЎзМТДП “Аёллар қаноти” фаолиятида қай даражада касб этмоқда?**

— Сиёсий партиялар тизимида хотин-қизларнинг роли кундан-кун ошиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Бу жараёнларга ЎзМТДП “Аёллар қаноти” ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда маҳаллий кенгашларда 181 нафар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 5 нафар партияимиздан сайланган аёл депутат фаолият юритаётган бўлса, Олий Мажлис Сенатида 2 нафар ЎзМТДП аъзоси бор.

ЎзМТДП “Аёллар қаноти” партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар

“Milliy tiklanish” мухбири Шоҳида МАРС қизи суҳбатлашди

ЖАРАЁН



ЎЗАМ ОГАТИ СУРАТИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида “Келажак овози” ахборот хонаси ташкил этилди.

● ФАОЛИЯТ

Оила — муқаддас даргоҳ

унинг янада обод ва файзли бўлишида ҳар биримиз масъулмиз

Шарқда қадимдан оила муқаддас даргоҳ ҳисобланган. Унинг мустаҳкамлигига путур етказилишига йўл қўйилмаган. “Авесто”дан маълумки, қадимда яшаган аجدодларимиз болаларни бенуқсон туғилишига, қақалоқлигидан жисмонан соғ ва унинг ақдан етук бўлиб, вояга етишига алоҳида эътибор беришган. Ҳатто, уша пайтда ҳам қариндош-уруғлар, ака-укалар ўрта-сидаги қудда-андачилик қаттиқ қораланган.

Юртимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ оила институтини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Энг аввало, оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Оила, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, давлат сиёсатининг устувори йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, 2012 — “Мустаҳкам оила йили”да оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ишлар изчиллик билан давом эттирилди. Оила, биринчи навбатда, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрлик янада кучайди, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муҳим масалалар ўз ечимини топиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, республика “Оила” илмий-амалий маркази яқиндан қўмақлашмоқда. Марказ директори ўринбосари Ҳафиза Мамадалиева билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Бугунги эркин, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсади, десак янглишмаймиз. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

— Дарҳақиқат, инсоннинг бахту саодати оила билан тўқисдир. Оила — ҳар бир инсон учун умрининг бошланиши, бачча нарсаларнинг муқаддимасидир. Инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган мамлакатимизда оилга алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Зеро, оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина обод бўлади, жамиятда барқарорлик вуҷудга келади. Унинг мустаҳкамлиги оиладаги тинчлик-ҳотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабат, оила аъзоларнинг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Маълумки, ҳулқ-одоб инсон маънавий қиёфасини ифода этади. Оила ҳулқ-одоб қадриятларини шакллантиришдаги асосий мазмон бўлиб, бу жараёнда оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятларининг уйғунлигида иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва ҳавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшайётган одам тинчлик ва осудаликни қадрига етиб, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Ўзбекистонимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида оила институтини мустаҳкамлаш борасида истиқболга йўналтирилган аниқ сиёсат олиб борилаётган. Амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси оила, ҳар бир фуқаронинг манфаатини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши ва ўша йили Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Республика “Оила” илмий-амалий маркази ташкил этилиши Республика миқёсида оила муаммоларини комплекс тарзда илмий жиҳатдан ўрганиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий, тиббий, маънавий-маърифий савияси ва саводхонлигини ошириш билан боғлиқ амалий чора-тадбирларни жойларда ташкил этиш, кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириб юборди. Айнан шу йили Олий Мажлис томонидан Оила Кодексининг қабул қилиниши оила муноса-

батларининг барча жиҳатларини регламентация қилинишининг исботи бўлди. Қонуннинг кучга кириши ушбу ноёб институтни мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган саъй-ҳаракатларнинг энг муҳими, дея эътироф этиш мумкин.

— Мустаҳкам оила йилида жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлини оила институтини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтариш йўлида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларни бажаришда Республика “Оила” илмий-амалий маркази қандай ишларни бажарди?

— “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва йиғилиш баёнларида белгиланган вазифалар юзасидан 2012 йилда республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, марказ зиммасига юклатилган вазифалар ижросини бажариш юзасидан 1 та халқаро ва 7 та республика миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманлар доирасида оила ва никоҳ муносабатларининг назари ҳамда амалий жиҳатларига оид масалалар таҳлил қилинди, оилалар фаровонлиги, уларнинг маънавий, психологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, барқамол авлодни тарбиялаш, имконияти чекланган болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-психологик ишлар, ёш оилалар, аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрнига оид муаммолар ўрганиб чиқилди. Анжуманлар якунига қўра тегишли амалий тавсиялар иш-лаб чиқилиб, 3 та илмий тўғлам нашр этилди. Шунингдек, ўтган йили марказда олиб борилаётган илмий лойиҳалар доирасида учта социологик тадқиқот ўтказилди. Йил давомида эса қилинган ишлар бўйича 3 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув дастури, 15 та рисола нашр этилди, 80 дан ортиқ илмий, 35 дан кўпроқ илмий-оммабоп, 25 та халқаро миқёсда мақолалар чоп этдик.

Республика миқёсида оила муаммоларини таҳлил этиш ва уларнинг ечимини аниқлаш, муайян йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитасининг битта фундаментал ва учта амалий лойиҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

— Оила маданияти ва маънавиятини янада ривожлан-

тириш учун марказ томонидан қандай лойиҳалар амалга оширилмоқда?

— Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас деб билади. Оилавий муносабатларга асос бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари одамнинг ўзи каби қадимийдир. Оила одоб-ахлоқида фақат эр ва хотин ўртасидаги муносабатни ифодалаб қолмай, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир. Бинобарин, маънан бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилади.

Марказнинг асосий мақсади — юртдошларимизнинг қалбига оилга таалуқли бой миллий ва маънавий қадриятларни ўйғотиш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдиришдан иборатдир. Бундан ташқари, оиладаги ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, мавжуд муаммоларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш, оиладаги соғлом наслини сақлаш, она-бола саломатлиги ҳамда аҳолига айрим оилавий масалаларда амалий ёрдам беришни такомиллаштириб боришимиз лозим. Айниқса, ёш авлод қалбига маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада барқамол авлодни тарбиялаш муҳим масалалардан бири саналади. Бундан ташқари, оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп рисоалар яратиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорлик ўрнатишни янада ривожлантириш ҳам жуда муҳим. Шу билан бирга марказ томонидан оилада бола тарбияси, оилаларга психологик хизмат кўрсатиш, оилада тиббий маданиятини ошириш, болалар ҳуқуқлари, эрта никоҳнинг олдини олиш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича изланиш ва тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, аинқса, вояга етмаган болалари бўлган ва кам таъминланган оилаларга аниқ тарзда ижтимоий ёрдам бериш, пенсионерлар ва боқувчисини йўқотганларга, яққа-ёғлиқ кишиларга пенсия ва моддий ёрдам тайинлаш қонун билан қаролланган. Мазкур йўналишда қатор қонун ва қарорлар, фармонлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси таъминланмоқда. Бироқ баъзи бир фуқароларимиз аҳоли фаровонлиги учун ишлаб чиқилаётган қонунлардан тўлақонли хабардор эмас. Шу боис, марказ ҳодимлари томонидан вилоят, туман ва қишлоқларда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бирга ушбу қонун, қарор ва фармонларни аҳолининг кенг қатламига етказиш борасида тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

● янги лойиҳа

Велосипед — соғлом турмуш тарзи таянчи

Урганч давлат университети талабалари томонидан «Велосипедни ҳаётга татбиқ қилиш» лойиҳаси шакллантирилмоқда. Университетда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 600 ўринли велосипедни сақлаш ва хизмат кўрсатиш жойи барпо этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти sanoat salohiyatini rivojlan-tirish dasturi tўғрисида»ги Қарорига асосан 2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида жами 253 та лойиҳа амалга оширилиб, вилоят иқтисодиётига 462 миллион доллар миқдоридан инвестиция жалб этилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида Хоразм вилоятида 2013 йилнинг октябри яри-дан бошлаб, велосипедлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.



ши, ортиқча вазн, сурункали чарчаш сингари бир қатор хасталикларнинг пайдо бўлишига айнан камҳаракатлик сабаб экан.

Мана шундай шароитда арзон, атроф-муҳитга “зарарсиз” транспорт воситаси бўлган велосипедлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу улов тури нафақат узокни яқин юборилган. Умумий қиймати 4 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг “Сино Урганч” масъулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг “Хим Жанг Ташбулак Траде” компанияси томонидан молиялаштирилди. Режага кўра, аввалги корхонада 20 минг дона велосипед ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Муҳими, корхонанинг ишга туширилиши билан вилоятда янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Ҳозирда дунёнинг қатор мамлакатларида автомашиналарнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига етказяётган салбий таъсири ҳозирга олинган ҳолда экологик тоза транспорт воситаларига ўтишмоқда. Жумладан, Германия, Италия, Франция, Нидерландия, Бельгия, Дания ва бошқа давлатларнинг айрим шаҳарларида велосипед аллақачон жамоат транспортига айланиб бўлган. Масалан, Даниядаги шаҳарларда ҳар қандай ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасалари, дўконлар, метро станциялари ёнида велосипедлар учун махсус турар жойлар ташкил этилган, велосипедлар ҳаракатланиши учун алоҳида йўллар ажратилган. Мехмонхоналарда сайёҳларга ушбу транспорт воситаларини ижарага бериш тизими мавжуд. Нидерландияда эса велосипедлар ҳаракати учун алоҳида йўллар қурила бошланди.

Айни пайтда бундай лойиҳалар Осиё қитъасида (Хитой, Корея, Вьетнам, Таиланд ва бошқа давлатларда) ҳам оммалашаётганини кўриш мумкин. Хусусан, Таиланд ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, велосипедларни ижарага бериш, метро, автобус ва шаҳар электротрансдлари бекатлари атрофида велосипед тўхташ жойларини қуриш режалаштирилмоқда.

Юртимизда автомобиллар сони ва қатнови йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Негаки, аҳоли сонига нисбатан автомобиллар сонининг ортиши халқимизда фаровонлигини таъминлабгина қолмай, юрт тараққиётини ҳам белгилаб беради.

Масаланинг яна бир томони шуки, машиналар қанчалик қулайлик туғдирмасин, улардан доимий равишда фойдаланиш одамларимизни, аинқса, ёш авлод вакиллари камҳаракатлиқа кўнктириб қўймоқда. Мутахассисларнинг фикрича, умуртқа касалликлари, юрак қон томир тизимидаги муаммолар, иммунитет заифлаши-

дан “Велосипедни ҳаётга татбиқ қилиш” лойиҳаси шакллантирилди. Бугун университетда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 600 ўринли велосипедни сақлаш ва хизмат кўрсатиш жойи барпо этилди.

Лойиҳанинг асосий мақсади университетда мукаммал модел яратиш ва уни оммалаштириш орқали шаҳар кўчаларида ҳаракатланиш воситаси сифатида велосипеддан фойдаланиш орқали йўл транспорт ҳаракатини меъёрлаштириш, аҳоли учун йўл транспорт воситаларида ҳаракатланиш учун сарф қилинадиган маблағни тежаш ва шу йўл билан ўз соғлигини қайта тиклаш имкониятини яратиш, транспортлар учун ёқилғи манбаини тежаб, уни бугунги кунда зарур бўлган бошқа соҳаларга йўналтириш имконини яратишдан иборат.

Қолаверса, ҳаракатланиш учун йўловчи ташиш транспортини фойдаланаётган аҳоли қатламлари йўл чипталари учун тўлайдиган маблағни тежашни ҳисобига оила бюджетининг харажатлари ҳамда жамоат транспортларидаги тикчилч ҳолатлар камаяди. Шаҳримизда оммавий тарзда ҳаракатланиш воситаси сифатида велосипеддан фойдаланишни йўлга қўйиши билан уни сақлаш, таъмирлаш, ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи янги тадбиркорлик йўналишлари очилади. Велосипед ва уни бошқариш бўйича ихчам, ҳар қандай шароитга мос велосипедни сақлаш лойиҳалари ишлаб чиқилади, ундан фойдаланиш учун қўлланмалар яратилади ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғибот-ташвиқот қилишга мўлжалланган буклетлар чоп қилинади.

Энг асосийси, ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларнинг велосипедда ҳаракатланиши натижасида соғлом муҳит яратилади ва кам ҳаракатлилик билан боғлиқ касалликлар сезиларли даражада камаяди. Мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинса, Урганч давлат университети жамоаси орасида велосипеддан фойдаланишни оммалаштириш билан бирга орттирилган тажрибаларни аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот-ташвиқ қилиш имконияти туғилди. Албатта, ёшларимизнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида бундай саъй-ҳаракатларни биз мутасаддилар қўллаб-қувватлашимиз, велоспортни аҳоли орасида оммалаштиришда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Р.ЭШЧАНОВ,
УрДУ ректори, халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари

ХАЛҚАРО ҲАЁТ


● БИЗНИНГ ШАРХ

Муқобил энергия манбаалари



Мамлакатимизда муқобил энергия манбааларидан фойдаланиш борасида хориж тажрибаси қўлланилган ҳолда қатор ишлар амалга ошириляётир. Айни пайтда юртимизда табиий газ, нефть ва кўмир маҳсулотларини тежаш мақсадида табиат инъом этган қуёш, шамол энергетикасини ривожлантириш, биогаз қурилмаларидан фойдаланишга кенг эътибор берилляётир. Жорий йилнинг 1-мартида давлатимиз раҳбари Ислон Каримов “Муқобил энергия манбааларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги имзолаган фармони жойларда бу борада янада масъулият билан ишлашга ундайди. Мазкур хужжатда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш қайд этилган. Ҳозир ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда биогаз қурилмасидан фойдаланиш анъанага айланмоқда.

Ҳаммабон, чўнтакбон, экологик тоза биогаз қандай ҳосил бўлади? Биогаз газлар аралашмаси бўлиб, унинг таркибида метан 55-70 фоиз, угле-кислота газ 28-43 фоиз, ўта кичик миқдорда олтингургурт



водород мавжуд. У, шунингдек, ўсимлик ва ҳўжалик чиқиндилари, оқава сув ва ҳоказоларда пайдо бўлади. Бир тонна қорамол гўнғидан 45-60 кубметр, бир тонна парранда ахлатидан 100 кубметр, турли энергетик ўсимликлардан эса 100-500 кубметр биогаз олинмоқда. Бир бош соғин сигирдан суткасига 4,2 кубметр биогаз олиш мумкин бўлса, бир кубметр биогаз 0,6 кубметр табиий газ, 0,74 литр нефть, 0,65 литр дизель ёнилғиси ва 0,48 литр бензин ўрнини ўтайди. Мамлакатимизда йилга 9 миллиард кубметр биогаз ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу 6,5 миллиард кубметр табиий газ иссиқлик қуввати демакдир. Биогаздан 12 ойда 18 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилакан. Серқуёш ўлкамизда биоқурилманинг жорий этилиши угле-кислота газининг ҳавога чиқарилишини 7-11 миллион тоннагача камайитиришга, ҳар йили 14 миллион тонна биоўғитларни ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Еттига вилоятимизда 2017 йилгача ҳар бири 20 МВт электр энергияси ишлаб чиқарувчи 50 та биогаз қурилмаси ўрнатилиши кўзда тутиляётир. Ҳўш, биогаз қурилмасининг ўзи фойдаланувчига қанчага тушади? Масалан, Хитойда ишланган 6-8 кубметр

ҳажмли қурилма йилига 300 кубметргача газ тайёрлаб беради, уни 200-250 АҚШ долларига сотиб олиш мумкин. Хитой ҳукумати сарфланаётган харажатларнинг ярмини ўз зиммасига олмоқда. АҚШнинг Вермонт штатида эса фермерлар бу қурилмаларни ярим баҳосига сотиб олаётгани ҳам таҳсинга сазовор. Мингта қорамол гўнғини қайта ишлашга мослаштирилган ускуна тахминан бир миллион АҚШ долларига атрофида туради. Ҳар йили республикамиз қишлоқ ҳўжалигида қайта ишланаётган ахлат ва чиқиндилар миқдори 10 миллион тоннани ташкил этаётир. Органик ахлат ва органик бўлмаган ахлат биогаз қурилмага ташлангач, 3-4 кундан сўнг биогаз олса бўлади. Биогаздан эрамиздан аввал ҳам Ҳиндистон, Эрон, Ассирияда фойдаланилгани ҳақида маълумотлар тўпланган. 1764 йили Бенжамин Франклин ботқоққа айланган кўл юзасини ёқиб, ўзига хос тажриба ўтказганидан сўнг, Европа олимлари кимёвий формула асосида ботқоқлик газдаги метан миқдорини аниқлаган ва биогаздан амалиётда қўллаш ҳади-сини олишган. 1881 йилдан кўҳна қитъада биогаздан хоналарни иситиш ва кўчаларни ёритишда фойдаланилган. Биринчи жаҳон уруши йилларида юзага келган ёқилғи танқисли-

ги биогаз қурилмаларини жорий этишни тақозо этди. Ривожланган мамлакатларда бу борада орттирилган тажриба кенг қўлланилмоқда. Швеция, Финляндия, Австрияда биогаздан фойдаланиш давлат томонидан рағбатлантирилади, “яшил тариф” бўйича улардан электр энергиясини сотиб олади ҳам. Германия биогаз уюшмаси маълумотиға кўра, 2007 йилгача бу ўлкада 4 мингта биогаз қурилмаси ўрнатилган бўлса, 2020 йилга бориб улар сони 20 мингтагача етиши режалаштирилган. Англиянинг ўзида биогаз қўлланилиши оқибатида 1990 йилнинг ўзидаёқ қишлоқ ҳўжалигида сарфланган электр энергия харажатлари ўзини қоплаган. Ҳозир кўпгина мамлакатларда қаттиқ маиший чиқиндилар махсус омборлари қуриляётир. Ундан асосан иситиш ва электр энергиясини олиш учун биогаз тайёрланади. Бу борада Германия 33,3 миллион Гкал, АҚШ 2,2 миллион Гкал, Япония 1,4 миллион Гкал, Швеция 1,2 Гкал билан дунё рейтингини бошқариб бораляпти. Скандинавиядаги Швеция мамлакатига “яшил технология” соҳасида ибрат олса арзигulik хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 1980 йили ёқилғи инкирози юзага келган пайтда сув, шамол, қуёш станциялари қурила бошланди. Ҳатто, тадбиркорлар ёғоч кипиқларини юмалок шаклга келтириб, аҳолига сота бошлаганди. Гетеборгда автомобиллари биогаз билан гамловчи 19 та ёқилғи шахобчаси ишлаб турибди. Шунингдек, шаҳарда энг катта биогаз заводи қурилган ва поездлар ҳам ана шу муқобил ёқилғида ҳаракатланади. Ҳозир Италия, Бразилия, Аргентина, Покистонда тўрт миллиондан ортиқ автотранспорт воситаларининг харакатланиши айнан биогаз билан боғлиқдир. Автомобилларнинг оддий метандан биогазга ўтказилишини янгилик десак хато бўлмас. Эколог олимлар Коста-Рика, Швейцария, АҚШда муқобил энергия манбааларидан оқилана фойдаланиляётганига эътибор қаратаётир. Гиотермал манбааларга бой, қайноқ гейзерлар ўлкаси Исландия дунёдаги атмосфераси мусаффо юрт сифатида талқин этилмоқда. Бир пайтлар 70 фоиз кўмирни четдан сотиб олган бу кичик давлат 2050 йилларга бориб углеводород хомашёси қарамлигидан халос бўлиши кутиляпти. Ривожла-

наётган мамлакатларда, хусусан, Хитойда ёритиш, иситиш ва таом пишириш мақсадида 20 миллион, Ҳиндистонда 3,7 миллион, Непалда эса 140 мингта биогаз қурилмасидан фойдаланиляётир. Аслида Хитой қишлоқ туманлари биогаз технологиясининг тадбиқ этишда байроқдор саналади. Эрамиздан аввалги VI асрдаёқ самовий мамлакатда бу тажрибаға қўл урилган. 1920 йили Луо Гуори томонидан асос солинган фирма дастлабки биогаз қурилмасини яратган. Ҳозир ундан 31 миллиондан ортиқ оила баҳраманд бўляпти. Маҳаллий ҳукумат бу ускунанинг қурилиши, фермерларни ўқитиш, сервис марказларини ташкил этишда субсидия бермоқда. Машхур физик олимлар Ян Баптист, Ван Гельмонт, Майкл Фарадей, Алесандро Вольта, Амадео Авогадро, Луи Пастер биогаз олиш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказишган. Мамлакатимизда ҳам муқобил электр энергия манбааларидан фойдаланиш борасида тинмай изланишлар олиб бориляётир. “Смартбиогаз” масъулияти чекланган жамияти директори, техника фанлари номзоди Бозорбой Раҳматов немис, голланд олимларининг қурилмаларини такомиллаштириб, уларни бизнинг шароитга мослаштирди. Бозорбой ака бошчилигида Бўстонлик туманида кунига 10 тонна парранда ахлатини қайта ишляйдиган биогаз қурилмаси ўрнатилди. Бу ерда ҳозир бир кеча-кундузда 250-300 кубметр биогаз ҳосил қилинмоқда. Урганч давлат университети ёрдамчи ҳўжалиги худудида биогаз технология марказида глобал экологик жамғарма грантлари лойиҳаси доирасида иш олиб бориюмоқда. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида ҳам бу қурилмага катта қизиқиш билдирилмоқда. Шўрчи туманидаги “Оллоҳёр Охун” фермер ҳўжалигида “Эко энерго” илмий маркази мутахассислари билан ҳамкорликда беш тонна чиқиндидан 50 кубметр биогаз ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди. Биогаз қайта тикланувчи электр манбаи бўлиб, у атроф-муҳитга зиён етказмайдми. Амал қилиш мuddати беш йилга узайтирилган Киото баённомасида ҳам атмосфераға захарли чиқиндиларни чиқариш ҳажмини кескин камайитириш ҳақида сўз боради. АҚШдан ташқари 181 мамлакат томонидан ратификация қилинган протоколға кўра, Европа Иттифоқи угле-кислота ҳажмини 8 фоиз, Япония, Канада 6 фоиз, Шарқий Европа-Болтиқ бўйи мамлакатлари 8 фоизгача пасайтиришға қарор қилган.

Азимжон ПЎЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Баҳорги қор

Испанияда бир неча кундан буён меъёридан ортиқ қор ёққан.

Ҳозир мамлакатнинг бир неча регионларини қарийб ярим метрли қор қоплаб олган. Ҳарорат кечқурун -10 градусча тушиб кетмоқда. Қорнинг меъёрдан ортиқ ёғиши йўллар беркилиб қолиши ҳамда автохалокатларнинг кўпайишиға сабаб бўлмоқда. Кўплаб таълим муассасаларида ҳам ўқиш вақтинча тўхтатилган.



Олимпиадаға қарши

Швейцария аҳолиси 2022 йилги Олимпиадаға норозилик билдирган.

Швецариядаги Граубюнден шаҳар аҳолиси 2022 йилги қишги Олимпиада мусобақалари ўтказилишиға норозилик билдиришган. Швейцария ахборот агентлиги тарқатган хабарларға кўра, ўйинлар Санкт-Моритсе ёки Давос шаҳарларидан бирида ташкил этилиши кўзда тутилган эди. Аммо референдум натижалари таҳлил қилинганда 54 фоиздан кўп аҳоли мазкур режаға қарши экани маълум бўлди. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, респондентлар бу борада хавфсизлик муҳим масала эканлиги, шунингдек, улар мавжуд ўйинлар чиқимлари Халқаро олимпиа қўмитаси томонидан қопланиши лозимлигини билдиришган. Эслатиб ўтамиз, мазкур қўмита 2022 йилги Олимпиада ўйинлари ўтказилиши тўғрисидаги якуний қарорни 2015 йилда эълон қилады.



“Sony” қисқартирмоқда

“Sony” компаниясида қарийб 4 минг иш ўрнини қисқартириш ишлари бошланган.

Бундай қарор компания томонидан бир неча ой аввал айтилган бўлса-да, қисқартириш ишлари эндиғина бошланди. Япониянинг электрон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур қорхона, шунингдек, фотообъективлар ва мобиль телефонлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган маҳаллий заводни ҳам ёпишни режалаштирмоқда. Экспертларнинг айтишича, 2013 йилнинг апрел-июнь ойларига қадар “Sony” концерни ўн минг иш ўрнини қисқартиришини маълум қилган. Мазкур чора орқали компания ҳар йили қарийб 380 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ тежаш истағида. Эслатиб ўтамиз, “Sony” концерни ўз фаолиятини 1946 йилда бошлаган.



Амфибиялар хавф остида

Британиялик олимлар 2050 йилгача Европадаги амфибияларнинг қарийб етмиш фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжудлигини таъкидламоқда.

Экспертларнинг фикрича, бундай нохуш ҳолатнинг асосий сабаби иқлим ўзгаришидадир. Хабарларға кўра, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган ушбу жониворларда замбурўг касаллиги аниқланган. Мазкур касаллик туфайли Коста-Рика худудларида учрайдиган бир неча турдаги бақа бутунлай қирилиб кетган.

Хориж хабарлари асосида Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

● РАНГИН ДУНЁ

Дунёға машхур тасвирий санъат дурдоналарини ўзида жамлаган Прадо музейи Испания қироллигининг асосий бойлиқларидан бири ҳисобланади. Музей фондида XII-XIX асрда европалик буюк рассомлар томонидан ишланган 8600 дан ортиқ картина, шунингдек, ҳайкалтарошлик, ноширлик ҳамда амалий санъат намуналари мавжуд. Ҳар йили Прадо 2 миллион зиёратчини қабул қилады.



учун очик, дея фармон беради. Ҳшанда музей бор-йўғи 311 та тасвирий санъат асари билан иш бошлашиға тўғри келган. Шунга қарамай, музей кўргазмалари йил сайин янги-дан янги ашёларға кўпайиб борди. 1827 йилга келиб музей фонди Сан-Фернандо академияси тўпламларида сақланаётган асарлар ҳисобиға янада бойийди. Прадо музейининг асосий коллекцияси XVI-XIX асрда яшаган испан рассомлари Веласкес, Эл Греко, Мурильо, Сурбаран, Рибера ва Гойя асарларидан таркиб топган. Булар орасида Веласкес расм чизибгина қолмай, бошқа юртларда яшаб, ижод қиляётган рассомлар ишини зимдан қизатиб юрган ва таҳсинға лойиқ асарларни сотиб олиш билан шуғулланган. Айнан унинг сазй-ҳаракати туфайли Тициан, Рубенс, Рафаэл, Боттичелли, Караваджо каби таниқли италян рассомларининг асарлари музей залларидан

Прадо миллий музейи



ўрин эгалляйди. XIX аср охирига келиб музей санъатсераварларнинг ҳиммати туфайли бой ва ранг-баранг коллекцияларни қўлга киритди. Прадо музейида турли даврларда яшаб, ижод қилган европалик рассомларнинг барча ишларини учратиш мумкин. Улар орасида испан, фламан, италян, голланд, немис ва инглиз

рассомлик мактабига хос асарлар тенгсиз ҳисобланади. Беҳарварларнинг ҳиммати туфайли дунёға машхур бўлиб кетган “Менинлар” (Д.Веласкес), “Кўлини кўксига қўйган рицар” (Эль Греко), “Уч грация” (Рубенс) ҳамда “Ажал триумфи” (П.Брейгелъ) каби нодир асарлар жой олган. Музей фақат тасвирий санъат асарларидан

иборат экан-да, деб ўйласангиз хато қиласиз. Бу ерда жуда кўп қадимий тангалар, сопол ва қимматбаҳо буюмлар экспозицияси ҳам мавжуд. Қолаверса, музей ўз боғиға эға. Боққа XVIII асрда асос солинган бўлиб, 104 хил дархат ва ўттизға яқин ўсимлик турлари парвариишланади. Музейни томоша қилар экансиз, кўзингиз асарлардан нус-

ха кўчираётган рассомларға тушиши аниқ. Бу манзара томошабинға музей деворларида осигилг турган асарлар аслиятини кўчирмаси билан солиштириш имкони беради. Бундай пайтда томошабин асарларнинг қай бири нусха эканини янги бўёқ хидидан ажратиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, яқиндағина музейда катта ҳажмдаги реконструкция ишлари олиб борилди. Буннинг натижаси ўларок, Прадонинг кўргазмалар зали қарийб икки баробарға кенгайди. Эски монастир ўрниға қурилган янги корпусда музейнинг навбатдаги экспозицияси - XIX аср испан рассомлари асарлари жой олди. Бундан ташқари, ушбу корпусға музей сақловхонаси, маъмурияти ва устакхоналар қўчиб ўтди. Қайта тиклаш ишлари нафақат музейни кенгайтириш, балки ноёб тасвирий санъат асарларини доимий равишда намойиш этиш имкони ҳам беради.

Прадо музейи дунёға донги кетган Лувр ёки Эрмитаж мисол шохона кўринишға эға эмас. Бунга интильмайди ҳам. Музейининг мақсади одамлар эътиборини бидондан кўра ундаги тарихий ашё, гўзал ва бетакрор санъат асарларига қаратишдан иборатдир.

Зафар МУҲАММАД

